

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГУЛЯМОВА ШАХЗАДА САЙПИДДИНОВНА

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БИРЛАМЧИ ТИЗИМИДА ГИПЕРТОНИЯ
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гулямова Шахзада Сайпиддиновна Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигини даволаш ва профилактикаси самарадорлигини ошириш	3
Гулямова Шахзада Сайпиддиновна Повышение эффективности профилактики и лечения гипертонической болезни на уровне первичного звена здравоохранения	29
Gulyamova Shahzada Saypiddinovna Strengthening the Prevention and Treatment of Hypertension in Primary Healthcare	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГУЛЯМОВА ШАХЗАДА САЙПИДДИНОВНА

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БИРЛАМЧИ ТИЗИМИДА ГИПЕРТОНИЯ
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib198 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Т. Даминова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра артериал гипертензияга (АГ) чалинган беморларнинг нафақат ҳаёт сифати балки мотивацияси, иш қобилияти ҳам пасайиб, энг асосийси умр кўриш давомийлиги сезиларли қисқариши исботланган¹. Сайёрамизда бир миллиардга яқин киши АГ билан хасталанган ва бир йилда қайд этиладиган ўлимнинг 7,1 млн.га яқини қон босими билан боғлиқ². Сўнги йилларда дунёда яшовчи катта ёшдаги 20% аҳолида қон босимини кўтарилиши билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги ва 2025 йилга бориб бу кўрсаткичлар 29% ошиши кузатилмоқда. Аҳоли орасида касалликнинг даволаш ва олдини олишга қулай шароит яратиш ҳал қилиниши зарур долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда олиб борилаётган қатор илмий тадқиқотлар гипертония касаллигига (ГК) чалинган беморларга бирламчи тизимда кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарадорлигини оширишга қаратилган. Улар ГКга чалинган беморларни дориларсиз ҳамда дорилар билан даволаш тавсиялари самарадорлигини оширишни яъни уларни бошқариб бўладиган хавф омилларини бартараф этишга ва самараси исботланган дориларни мунтазам қабул қилишга риоя қилишлари натижалари тўғрисидаги кузатувларни ўз ичига қамраб олган. Шу сабабли бирламчи бўғинга мослаштирилган, тизимлаштирилган дастур яратиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур дастурда АГнинг хавф омиллари, умумий холестерин, триглицеридлар, юқори ва паст зичликдаги липопротеидлар, глюкозага толерантликнинг бузилиши, ЭКГдаги ўзгаришларни ўрганиш натижасида олинган маълумотларни умумий амалиёт врачлари томонидан икки йиллик кузатишдан сўнг солиштирма таҳлил ўтказишларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Олинган натижалар асосида оилавий поликлиника (ОП) ва қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) шароитида беморларни персонал динамик кузатиш электрон алгоритмини яратиш алоҳида прогностик аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, юрак-қон томир тизими касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикаси сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,

¹Бутун жаҳондаги ноинфекцион касалликлар ҳолати ҳақида маъруза, 2010 й. Ижро маълумотномаси. http://www.who.int/nmh/publications/ncd_report_2010/tu/index.html (мурожаат вақти 26.09.2017).

²Оммавий ахборот воситаси маркази. Бутун жаҳондаги соғлиқни сақлаш статистикаси 2014й.: Ҳаёт давомийлигини узайиши // <http://www.who.int/mediacentre/news/releases/2014/world-health-statistics-2014/ru>.

ногиронликни олдини олиш...»³ вазифалари белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жумладан, юрак қон - томир тизими касалликлари мавжуд беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда артериал гипертензияни олдини олиш усуллари такомилаштириш бўйича тадқиқотларни янада чуқурлаштириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда кўп сонли кузатувлар шуни тасдиқлайдики, барча юрак қон-томир касалликлар орасида АГ бағишланган илмий тадқиқот ишлари етакчи ўринни эгаллайди (27,1%). Бу рандомизирланган назорат тадқиқотлари, шунингдек, тизимли шарҳлар ва мета-таҳлиллар асосида олинган катта ҳажмдаги далилли маълумотлар мавжудлиги билан изоҳланади (Кобалава, Ж. Д, Котовская Ю. В, Моисеев В. С., 2009). 2005-2007 йилларда АҚШда ўтказилган текширишларга кўра ўз-ўзини назорат қилиш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ва дориларсиз ҳамда дорилар ёрдамида даволанган 146 беморларда систолик ва диастолик қон босими ишончли ($p < 0,001$) даражада яъни 152/89 мм. симоб устунидан 145/85 мм. симоб устунига пасайган (P.J. Elmer et al. – 2006). Замонавий илмий қарашларга кўра, руҳий-эмоционал стресс ҳолати симпато-адренал, гипофизар-гипоталамик тизим ва буйрак усти беши фаолиятини кучайтириб, кейинчалик вазоконстриктор ҳамда вазодилататорлар орасидаги мувозанатни бузилишига олиб келади ва бу АГ кўринишида намоён бўлади (Калинина А.М., 1993). Шунингдек, нотўғри (норационал) овқатланиш ҳам АГ хавф омили ҳисобланиб кузатувларга кўра аҳоли орасида қайд этиладиган умумий ўлимнинг мустақил предикторларидан биридир (Березин, И.И., 2007). Таом таркибида кўп миқдорда мол ва қўй гўшти ҳамда ёғларнинг бўлиши, сабзавот ва меваларни меъеридан кам истеъмол қилиш, 30% юрак қон-томир касалликлари, шу жумладан, АГ келиб чиқишига сабаб бўлади (Кобалава, Ж. Д, Котовская Ю. В, Моисеев В. С., 2009). Қон босими кўрсаткичининг тана вазни индекси (ТВИ) ҳамда овқатланиш хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган (Джанашия П.Х., Потешкина Н.Г, Селиванова Г.Б., 2007). Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда ош тузини меъеридан ортиқ истеъмол қилиш, АГ шаклланишида

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳозирги вақтда шубҳа туғдирмайди (Песелюгина О.Б., 2012). Бу қатор эпидемиологик текширувларда ҳам ўз тасдиғини топган. АГга чалинган беморларда ош тузига сезувчанликни ошишида миокард нафақат юқори периферик қаршилик балки қон ҳажмини кўпайиши таъсирида ҳам фаолият кўрсатиб яққол чап қоринча гипертрофияси юзага келади (J. E. Bailey et al., 2010). Ҳаёт давомида ош тузи қабул қилишни кунига 100 ммольгача чеклаш 55 ёшда бўлган аҳоли орасида бош мия инсульти юзага келишини 23% камайтириши мумкин. Тамаки чекиш – АГга олиб келувчи ва нисбатан енгил бартараф этиш имконияти бўлган ягона хавф омили ҳисобланади. Чекишни юқори қон босими юзага келиши ва уни зўрайиб бориши таъсирига бағишланган кўп сонли текширувлар ўтказилган. 2003-2013 йилларда ўтказилган Multinational INTERHEART study, WHO MONICA, International Studies of Infarct Survival (ISIS) текширувлари шулар жумласидан, АҚШ АГнинг хавф омилларини ўрганиш бўйича биринчилардан бўлиб ва энг узок муддатли ўтказилган Фремингем текширувларида қон босими даражаси ҳамда янгидан аниқланган ЮИК ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлиги қайд этилган. Бунда юрак қон-томир касалликларидан ўлим ҳолатлари систолик ва диастолик қон босими ошишига мутаносиб равишда кўпайиши келтирилган. Маълумки, бундан ташқари 50 ёшдан катта бўлган кишиларда пульс босимини ошиши асосий гемодинамик кўрсаткичлар гуруҳига кириб, бу ўз навбатида юрак қон-томир касалликларида асоратлар юзага келишини етакчи хавф омилларидан бири ҳисобланади. С.А Шальнова ва ҳаммуаллифлар келтирган маълумотларга кўра АГ мавжуд беморларнинг 75% ортиғи ёши 50 дан юқори бўлган шахслардир.

Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас, 2016 йилда 20-30 ёшли эркакларнинг 9,4%, 40 ёшдан ошганларнинг - 35%, 60-65 ёшдан сўнг эса - 50% АГ ривожланган. Аёлларда эса бу кўрсаткич 30 ёшгача – 3,3%, 40 ёшдан 60 ёшгача – 60% ҳолатларда учраган. Республикамизда ва қатор чет эл мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларда кўрсатилишича қон босимини самарали пасайтирадиган ва унинг асоратлари ривожланишини олдини оладиган замонавий дори-дармонлар бўлишига қарамасдан, беморларни даволанишга бўлган мойиллиги пастлигича қолмоқда.

Айрим Европа мамлакатларида ва Россия Федерациясида ихтисослаштирилган клиникалар қошида АГга чалинган беморларни махсус дастурлар асосида саломатликларини мустаҳкамлаш ва тиббий савияларини оширишга қаратилган ўқитиш «мактаблари» ташкил этилган. Уларга бағишланган илмий ишлар хулосаларида мактабларда тахсил олган беморларда самараси исботланган антигипертензив дориларни мунтазам қабул қилиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш ишончли даражада ошган (ESH/ESC., 2013), бинобарин, ҳаёт сифати сезиларли ижобий томонга ўзгарган. Юқорида баён этилганларни барчаси ушбу тадқиқотнинг ва ўз навбатида муаммонинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг илмий иш бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот

ишлари режасига мувофиқ ИДСС 31.1 «Қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника шароитида юрак қон - томир тизими асосий касалликларини кўп омилли профилактикасини такомиллаштириш» (2009-2013 йй) амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида гипертония касаллигига чалинган беморларни тизимли дастур асосида ўқитиш ёрдамида дориларсиз ва дорилар билан даволаш ҳамда профилактика самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОП ва ҚВП шароитида ГКга чалинган беморларни даволаш чоратадбирларини ва уларни олиб бориш тамойилларини баҳолаш;

ОП ва ҚВП шароитида ГК билан ҳасталанган беморларни дориларсиз ва дорилар билан даволаш тавсияларига риоя қилаётганлик даражасини баҳолаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимига мослаштирилган тизимли (структурланган) дастур ва ГКга чалинган беморларни ўқитиш услубини ишлаб чиқиш ва унинг амалиётга тадбиқ этилишини хавф омилларига, ЭКГ ва биокимёвий кўрсаткичларга (умумий холестерин, триглицеридлар, паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар ва глюкозага толерантликни бузилишига) таъсирини очиқ бериш;

беморларни (асосий ва таққослаш гуруҳларидаги) назоратгача ва икки йилдан сўнг даволаш ҳамда профилактика тадбирлари натижалари ва динамик кузатишни солиштирма таҳлилинини ўтказиш;

умумий амалиёт врачлари (УАВ) томонидан ГКга чалинган беморлардаги бошқариладиган хавф омиллари, нишон аъзоларининг зарарланиш даражаси, ассоциацияланган клиник ҳолатларни ва қон босими даражасига таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тиббиётни бирламчи тизимларида қўлланиладиган персонал динамик кузатиш алгоритминини электрон дастурини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги 32 ҳамда 37-оилавий поликлиникаларда диспансер назоратида турган 236 нафар гипертония касаллигига чалинган I, II ва III босқичдаги беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гипертония касаллигига чалинган беморларнинг қон зардоби биокимёвий кўрсаткичлари ва ЭКГ материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда умумклиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Беморлар тиббий савиясини ошириш борасида соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида ўтказилган тадбирлар ёрдамида қон босимининг мақсадли даражага эришилиши, хавф омилларини бартараф этиш ва антигипертензив дориларни мунтазам қабул қилиш орасида ўзаро боғлиқликни қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари глюкоза, умумий холестерин, триглицеридлар, паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар ижобий таъсир этиш кўрсаткичлари асосида исботланган;

беморларни тиббий савиясини ошириш гипертония касаллигида нишон-аъзоларнинг зарарланиш даражасига хусусан, бош мия, кўз туби, юрак ва қон-томирлар, буйракларнинг асоратларини олдини олиш ҳамда гипотензив дориларни қабул қилишларига ижобий таъсир механизми исботланган;

оилавий поликлиника яъни тиббиётни бирламчи бўғини шароитида беморлардаги мавжуд бошқариб бўладиган ва бошқариб бўлмайдиган хавф омиллари, нишон-аъзолар зарарланиш даражаси ва ассоциацияланган клиник ҳолатларни инобатга олган ҳолда уларни динамик кузатиш жараёни индивидуаллаштириш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи тизимдаги тиббиёт муассасаларининг амалий фаолиятида ГКга чалинган беморларни қон босимини мақсадли даражага эришишга ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини (глюкоза, умумий холестерин, триглециридлар, паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар) меъёрлаштиришга имкон яратувчи тактика жорий этилган;

ГКга чалинган беморларни ўз-ўзини назорат қилиш, хавф омилларини бартараф этиш ва уларнинг таъсирини камайтириш ҳамда самараси исботланган антигипертензив дориларни мунтазам қабул қилишларига йўналтирилган тизимли дастур яратилган ва унинг ўрни муҳимлиги аниқланган. Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида ГКга чалинган беморларни персонал динамик кузатиш имкониятини берадиган электрон дастур алгоритми ишлаб чиқилган;

илк бор соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими шароитида беморларни тиббий савиясини ошириш ва уларни персонал динамик кузатиш, қон босимини мақсадли даражасига эришишни назорат қилиш, аҳоли ўртасида эрта ўлимга сабаб бўлувчи юрак қон-томир касалликларини асоратини олдини олишга имкон яратиши исбот этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатидан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти ГКга чалинган беморларда АГнинг мақсадли даражалари ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичларининг (глюкоза, умумий холестерин, триглицеридлар, паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар) клиник ва прогностик аҳамияти, илмий текширишларнинг методик усулларини такомиллаштириш, бирламчи тизим шароитида юқори қон босими аниқланган беморларни самараси исботланган антигипертензив дори воситалари билан доимий даволашни тизимли динамик кузатиш дастурини қўллашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида ГКнинг профилактикаси ва даволашнинг самарадорлигини

ошириш борасида тавсия этилган услуб артериал қон босими даражасини, нишон аъзолар (бош мия, кўз туби, юрак ва қон томирлар, буйрак) зарарланишини ишончли назорат қилиш, ушбу касалликнинг оғир асоратларини (миокард инфаркти, бош мия инсульти) олдини олиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигини даволаш ва профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалари асосида:

«Гипертонияни бошқариш мумкин ва зарур» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 8н-д/131-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма бирламчи тизимда ГК мавжуд беморларни қон босимини мақсадли кўрсаткичларига эришиш имконини берган;

Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника (илгари 32-сон ОП) ва Чилонзор туманидаги 37-сон ОПда соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 8н-д/151 сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар касалликнинг кечиш эҳтимоллигини аниқлаш, соғлиқни сақлашни бирламчи тизимда АГга чалинган беморларни ўз-ўзини назорат қилиши, гипертоник криз ва госпитализатсиялар сонини камайиши ва уларнинг антигипертензив дориларни мунтазам равишда қабул қилишга имконият яратган.

Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигини даволаш ва профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва Чилонзор туманидаги 37-сон оилавий поликлиника соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 8н-д/151 сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар касалликнинг кечиш эҳтимоллигини аниқлаш, соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида АГ га чалинган беморларни ўз-ўзини назорат қилиш, гипертоник кризлар ва шифохонага ётишлар сонини камайиши ва уларнинг антигипертензив дориларни мунтазам равишда қабул қилишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, унинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигини даволаш ва профилактикасини замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида ГКнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасининг ҳозирги кундаги ҳолати, патогенези, хавф омилларини тарқалиш даражаси ва уларнинг касаллик кечиши таъсирига бағишланган адабиётлар таҳлил қилинган. Ўрганилиши лозим бўлган масалалар аниқланиб диссертация ишининг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигини даволаш ва профилактикасини таъминлаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда қўлланилган статистик усуллар атрофлича ёритиб берилган.

ОП (n=54) ва ҚВПларда (n=168) охириги 5 йилда ГК билан назоратда турган ва тасодифий танланган 222 беморларнинг амбулатор карталари ретроспектив таҳлил қилинди. 10 ойлик УАВларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида ўқиётган Тошкент шаҳри ОП ва вилоятлар ҚВП врачларидан (ўқитишдан олдин n=156; кейин n=119) ҳамда ГК билан диспансер назоратида турган беморларнинг 236 нафаридан сўровномалар ўтказилди. Беморлардан 122 нафари гипертоник мактабига жалб қилинди, 114 нафари эса таққослаш гуруҳини ташкил қилди. Барча беморлар икки йил давомида кузатувда бўлдилар ва уларнинг ҳар иккала гуруҳларидан кузатувдан кейин ҳам сўровномалар ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги беморлар ёши 45-71, ўртача $51,75 \pm 1,85$. Улардан эркаклар 36 (29,5%) ва аёллар – 86 (70,4%) кишини ташкил этдилар. Беморларни касаллик босқичи бўйича тақсимланиши қуйидагича: ГК I босқич – 45 (36,8%); ГК II босқич – 62 (50,8%); ГК III босқич – 15 (12,2%). Касалликнинг кризли кечиши 40 ҳолатда (32,7%) кузатилди.

Таққослаш гуруҳидаги (n=114) беморлар одатий кун тартибига амал қилишди ва ОП/ҚВП врачлари томонидан тавсия этилган давони олишди. Беморлар ёши 44-75, ўртача $52,6 \pm 1,62$. Улардан эркаклар 34 (29,8%) ва аёллар – 80 (70,1%). Беморларнинг касаллик босқичи бўйича тақсимланиши қуйидагича: ГК I босқич – 41 (35,9%); ГК II босқич – 61 (53,5%); ГК III босқич – 12 (10,5%). Касалликнинг кризли кечиши 37 ҳолатда (32,4%) кузатилди.

Гипертониклар мактабида ўқитилган асосий гуруҳ беморларда юрак қон-томир касалликлари асорати: ўрта хавфи – 46 (37,7%) да; юқори хавфи – 63

(51,6%) ва ўта юқори хавфи 14 (11,4%) кузатилди. Таққослаш гуруҳида эса ўрта хавфи – 41 (35,9%); юқори хавфи – 62 (54,3%) ва ўта юқори хавфи 11 (9,6%) учради. Иккала гуруҳ беморларида ҳам юқори ва ўта юқори хавф 60%дан кўпроқни ташкил қилди.

Симптоматик яъни иккиламчи АГни ва нишон аъзолари зарарланиш даражасини аниқлаш учун тадқиқотга жалб қилинган беморлар кўрсатмалардан келиб чиқиб қуйидаги комплекс клиник ва лаборатор-асбобий текширувлардан ўтказилдилар: липид спектри, АЛТ, АСТ, умумий билирубин, сийдик кислотаси, креатинин, умумий оксил, коагулограмма ва электролитлар. Уларнинг барчасида ЭКГ, кўз туби текшируви, ЭхоКГ, буйрак ва буйрак усти беши, қалқонсимон без ва қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текширувлари амалга оширилди. Ишлаб чиқилган тизимли дастур асосида 10-12-14 нафардан иборат ёши ва маълумотига кўра гуруҳлар тузилди - интерактив ўқитиш усулида дарслар олиб борилди. Дарс жараёнида мультимедиа, плакат, буклет ва амалий куникмаларни (тана вазни индексини аниқлаш, АҚБ ўлчаш, у ўткир кўтарилганда ўз - ўзига ёрдам бериш учун аптечкадан фойдаланиш) ўргатишда керакли жиҳозлардан фойдаланилди.

Юрак етишмовчилиги (ЮЕ) бор беморларга умумқабул қилинган стандарт даво-чоралари, инфарктдан кейинги кардиосклероз, стенокардияси бор беморларга 8 соат ва ундан ортиқ вақт таъсир қилувчи β-адреноблокаторлар (БАБ) тавсия қилинди, 2-тур қандли диабет бор беморларга ангиотензин айлантурувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) буюрилди. Ёши катта, стенокардия билан бирга оёқлар артериясининг облитерирланган артеросклерози бор беморларга кальций антагонистлари (КА) тавсия этилди. ААФ-ингибиторларига қарши кўрсатмаси бор беморларга ангиотензин рецепторлари антагонистлари (АРА) буюрилди. Қисқа вақт таъсир этувчи гипотензив воситалардан эса (капотен, коринфар, фармодипин) биринчи ёрдам сифатида фойдаланиш айtilди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига статистик ишлов беришда MS. Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Стьюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Электрон дастурни яратишда техник топшириқ ишлаб чиқилиб киритиладиган кўрсаткичлар ва уларни сақлаш учун маълумотлар базасидан фойдаланилди. Бунда дастурни асосий қисми ва кўриниши Borland Delphi 7 дастурлаш тили ва дастуридан, маълумотлар базаси эса MySQL Server 5+ серверидан фойдаланилди. Яратилган дастур персонал компьютер ва тармоқ орқали ҳам ишлаши мумкин. Бундан тармоқдаги персонал компьютерлардаги клиент-дастурига ҳар бир умумий амалиёт врач ўзига тегишли логин ва пароль орқали киради ва бемор ҳақидаги маълумотларни киритади, барча ахборотлар сервер компьютердаги маълумотлар базасида сақланиб борилади.

Диссертациянинг «**Шахсий текшириш ва кузатиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида олинган кўрсаткичларнинг муҳокамаси келтирилган. Бунда ОП (n=54) ва ҚВП (n=168) лардаги амбулатор карталарни хавф омиллари

бўйича ретроспектив таҳлилида қуйидаги натижалар олинди: наслий мойиллик ОП 34 (62,9%)/ҚВП 88 (52,3%) ҳолатларда, сигарет чекиш – ОП 16 (29,6%)/ҚВП 47 (27,9%), ортикча тана вазни – ОП 18 (33,3%)/ҚВП 35 (20,8%), спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш – ОП 9 (16,6%)/ҚВП 37 (22,0), гиперхолестеринемия ОП 21 (38,8%)/ҚВП 43 (25,6%), камҳаракатлик – ОП 25 (46,2%)/ҚВП 57 (33,9%), стресс ҳолатлар – ОП 38 (70,3%)/ҚВП 115 (68,4%) мос равишда ташкил этди.

Ретроспектив таҳлил жараёнида наслий мойиллик, стресс ҳолатлар, ортикча тана вазни, камҳаракатлилик каби хавф омиллари кўпроқ учради. Шунингдек, ОП/ҚВПларнинг кўпгина амбулатор карталарида дори-дармонсиз даволаш тамойилларига тўлиқ амал қилмаслик аниқланди. Жумладан, ош тузини чегаралаш 35 (64,8%) ОП врачлари томонидан ва 53 (31,5%) ҚВП врачлари томонидан, $p < 0,001$, аутотренинг 24 (44,4%) ва 64 (38,0%), ёғ истеъмолини камайтириш 31 (57,4%) ва 71 (42,2%), $p < 0,001$, суюқлик истеъмолини кунлик 1,0-1,5 л.гача чегаралаш 25 (46,2%) ва 54 (32,1%), $p < 0,001$, семизликда тана вазнини камайтириш 37 (68,5%) ва 71 (84,5%), $p < 0,001$, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғилланишни тавсия қилиш 37 (68,5%) ва 67 (39,8%), $p < 0,001$ мос равишда тавсия этилган.

Амбулатор карталарни ўрганиш жараёнида биз умумқабул қилинган гипотензив дорилар ва уларни буюрилиш қоидаларига эътиборни қаратдик. Бунда ОП врачлари БАБни 44,4%, ҚВП шифокорлари 8,9%, диуретикларни 35,1% - 10,7%, КА - 24% ОПда ва 5,9% ҚВПда, ААФ-и 51,8% ва 42,2% ҳолларда мос равишда буюришган.

Самараси исботланган антигипертензив воситаларни тавсия қилиниши билан бир қаторда УАВ томонидан ГКни даволаш стандартига кирмаган - магний судьфат, дибазол, папазол, адельфан, раунатин, папаверин, но-шпа каби дорилар ҳам буюрилган. Улар аниқ бўлмаган режа ва давомийликда тавсия қилинган.

Амбулатор карталарни таҳлили шуни кўрсатдики, антигипертензив дориларни мунтазам тавсия қилиш ОП врачлари томонидан 35 (64,8%) ва ҚВП врачлари томонидан 30 (17,8%), қисқа курсларда тавсия қилиш – 19 (35,1%) ва 138 (82%) мос равишда аниқланди, улар ўртасидаги фарқ ҳар иккала ҳолатда ҳам юқори ишончли ($p < 0,001$).

Олинган натижалар УАВлари ГКни дориларсиз ва самараси исботланган дорилар билан даволаш тамойилларига тўлиқ риоя қилмасликларини кўрсатди.

Ўн ойлик курсларда ўқиётган ОП/ҚВП врачларини аноним сўровномаси ўтказилганда - ўқитишдан олдин 156 врачни (ОП $n=63$; ҚВП $n=93$), ўқитишдан кейин 119 (мос равишда 52 ва 67) ГК хавф омилларига етарли баҳо берилмаганлиги ва бартараф қилинмаганлиги аниқланди.

Шуни айтиш керакки, ўқитишдан кейин хавф омилларига эътибор берадиган ва уларни бартараф қиладиган врачлар сони, ишончли кўпайди ($p < 0,001$). Масалан, ош тузи истеъмолини камайтириш, ўқитилишгача, ОПларда 46,0% ва ҚВПларда 30,1% врачлар тавсия қилган бўлса, ўқитилишдан кейин бу кўрсаткич 92,3% ва 76,1%га тенг бўлди, тана вазнини камайтиришни ўқишгача 26,9% ва 15,0%, ўқитилишдан кейин 96,1% ва 85,0%, ёғ маҳсулотлари

истеъмол килишни камайтириш ўқишгача 20,6% ва 16,1%, ўқишдан кейин 94,2% ва 43,2% мос равишда тавсия қиладиган бўлдилар.

Маълумки, умум қабул қилинган стандартларга кўра АГни даволашда қуйидаги дори гуруҳларидан фойдаланиш тавсия этилган - тиазидли диуретиклар, БАБлар, ААФИлари ёки АРА ва КАлари.

Шифокорлар орасида ўтказилган сўровнома ва амбулатор карталарнинг таҳлили улар ГКга чалинган беморларга қатор ҳолларда самараси исботланмаган гипотензив дориларни тавсия этаётганликлари аниқланди.

Бизнинг таҳлилларимиз УАВларини ўқитиш жараёнида ГКга чалинган беморлардаги хавф омилларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда самараси исботланган антигипертензив дори гуруҳларини индивидуал ёндошган ҳолда буюриш ва қабул қилишни мунтазамлига алоҳида эътибор бериш керак.

Тадқиқотимизни кейинги босқичида ОП ва ҚВПларида ГК билан диспансер назоратида турган 236 нафар беморлар сўровномага жалб қилинди. Улардан биринчи гуруҳи 122 кишини ташкил этиб барчаси гипертониклар мактабига ўқишга жалб қилинганлардан иборат эди. Қолган 114 бемор таққослаш гуруҳини ташкил этди. Ҳар иккала гуруҳдагилардан 24 ойдан кейин қайта сўровнома ўтказилди. Унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Олинган сўровнома натижалари ГКга чалинган беморларни тиббий савиясини ошириш ва қатор амалий кўникмаларга ўргатиш зарурлигини кўрсатади. Ушбу мақсадда ташкил этилган гипертониклар мактаби уларни АҚБ ўткир кўтарилганда ўз - ўзига ёрдам беришга, АҚБни мақсадли кўрсатгичда ушлаб туришда дориларсиз усуллардан фойдаланишга ва гипотензив дориларни қабул қилиш қоидаларига риоя қилишга ўргатади.

1-жадвал ва унинг таҳлилидан кўриниб турибдики, ўқишга жалб қилинган беморлар ГКнинг хавф омиллари ва амалий кўникмалари бўйича ўз савияларини оширишди ($p < 0,001$) ва АГ назорати сифатини яхшилашга эришилди.

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг батафсилроқ солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, АҚБ ўткир кўтарилганда беморни ўз - ўзига ёрдам бера олиши гипертониклар мактабида ўқитилгунча 21 (17,2%) киши «ҳа», 101 (82,7%) беморлар - «йўқ» деб жавоб беришган. Ўқув курси ўтилгач «ҳа» 120 (98,3%); «йўқ» - 2 (1,6%) кишини мос равишда ташкил этган. Таққослаш гуруҳида бу кўрсатгич (дастлабки ҳолатда «ҳа» – 20,1%, «йўқ» - 79,8% ва 2 йилдан кейин «ҳа» – 25,0%, «йўқ» - 75,0%, $p < 0,05$) сезиларли фарқ қилмади.

«АҚБни ўлчаб, томир уриши (пульс) сонини мустақил санай оласизми?» деган саволга жавоб асосий гуруҳ беморлари томонидан гипертониклар мактабида ўқитилгунча «ҳа» 36,8% ва 6,5%, «йўқ» 63,1% ва 93,4% мос равишда ташкил этди. Ўқитилгандан сўнг барча беморлар АҚБни ўлчаш ва томир уришини санашни ўрганиб 100% «ҳа» - деб жавоб беришди. Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсатгичлар деярли дастлабки ҳолатда қолди ($p < 0,05$). Улар «АҚБни ўлчаб, томир уриши (пульс) сонини мустақил санай оласизми?» деган саволга «ҳа» деб 34 (29,8%) ва 6 (5,2%) ҳолларда, «йўқ» деб 80 (70,1%) ва 108

(94,7%) ҳолларда, 2 йилдан сўнг эса «ҳа» деб 41 (36,6%) ва 6 (5,3%) ҳолларда, «йўқ» деб - 71 (63,3%) ва 106 (94,6%) ҳолларда мос равишда жавоб бердилар.

1-жадвал

Гипертониклар мактабида ўқитилган (асосий гуруҳ) ва ўқишга жалб қилинмаган (таққослаш гуруҳи) беморларни дастлаб ва 24 ойдан кейин ўтказилган сўровномалари натижаларининг солиштирма таҳлили

Берилган саволлар	Асосий гуруҳ ўқитишгача (n=122)		Асосий гуруҳ ўқитишдан кейин (n=122)		Таққослаш гуруҳи дастлабки маълумотлар (n=114)		2 йилдан кейин (n=112)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
<i>АҚБ ўткир кўтарилганда ўзингизга ёрдам бера оласизми?</i>								
• Ҳа	21	17,2	120	98,3	23	20,1	28	25,0
• Йўқ	101	82,7	2	1,6	91	79,8	84	75,0
<i>АҚБни мустақил ўлчаёт оласизми?</i>								
• Ҳа	45	36,8	122	100,0	34	29,8	41	36,6
• Йўқ	77	63,1	-	-	80	70,1	71	63,3
<i>Томир уришлари сонини мустақил аниқлай оласизми?</i>								
• Ҳа	8	6,5	122	100	6	5,2	6	5,3
• Йўқ	114	93,4	-	-	108	94,7	106	94,6
<i>Сизнингча, ортиқча тана вазни АҚБ кўрсаткичларига таъсири борми?</i>								
• Ҳа	28	22,9	122	100	29	25,4	34	30,3
• Йўқ	67	54,9	-	-	44	38,5	40	35,7
• Билмайман	27	22,1	-	-	41	35,9	38	33,9
<i>АҚБ кўрсаткичи ёшга қараб ўзгарадими?</i>								
• Ҳа	24	19,6	122	100,0	21	18,4	29	25,8
• Йўқ	29	23,7	-	-	32	28,0	24	21,4
• Билмайман	69	56,5	-	-	67	58,7	59	52,6
<i>ГКнинг ўткир ва сурункали асоратларини биласизми?</i>								
• Ҳа	87	71,3	122	100,0	79	69,2	80	71,4
• Йўқ	35	28,6	-	-	35	30,7	32	28,5
<i>ГКда дориларни қандай қабул қиласиз?</i>								
• Доимий	14	11,4	101	82,7	12	10,5	29	25,8
• АҚБ ошганда	89	72,9	11	9,0	79	69,2	67	59,8
• Қисқа курслар билан (10-14 кун)	19	15,5	-	-	23	20,1	16	14,2

Мактабда ўқитилган беморлар гуруҳида антигипертензив дориларни қабул қилиш таҳлил қилинганда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди: ўқитишгача «доимий» дори қабул қилганлар – 11,4%, «вақти-вақти билан» - 72,9%, «қисқа курслар билан» - 15,5%. Ўқитиш курсидан сўнг қайта сўровнома ўтказилганда 122 бемордан (ишончлилиқ $p < 0,001$) 82,7% дорини «доимий» қабул қила бошлади ва «вақти-вақти билан» АҚБ кескин кўтарилганда дори қабул қиладиган беморлар сони 9,0% ни ташкил қилди.

Сўровнома солиштирма таҳлиliga кўра мактабда ўқитилмаган таққослаш гуруҳ беморлари АҚБ кескин кўтарилганда ўз - ўзига ёрдам бериш ва АҚБни мустақил назорат қилиш кўникмаларига эга эмаслиги аниқланди. Бундан ташқари, улар назоратгача антигипертензив дорилар қабул қилишнинг асосий қоидалари (мунтазам ва доимийлик)га риоя қилмасликлари кузатилди. «Дорини қачон ва қандай қабул қиласиз?» деган саволга «доимий» деб – 12(10,5%), «вақти вақти билан» – 79(69,2%), «қисқа курслар билан» – 23(20,1%) мос равишда жавоб беришди.

Шунингдек, «Ортиқча тана вазнини АҚБ кўрсаткичларига таъсири борми?», «АҚБ кўрсаткичи ёшга қараб ўзгарадими?» ва «ГКнинг ўткир ва сурункали асоратларини биласизми?» деган саволларга ҳам гипертониклар мактабига қатнаган беморлар ўқиш жараёни яқунлангандан сўнг ишончли ижобий жавоб бердилар. Таққослаш гуруҳидагиларда эса кўрсаткичлар деярли ўзгаришсиз қолди.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, беморларни тиббий савиясини ошириш тиббиётни бирламчи бўғинида ГКни олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика чора-тадбирларининг асосий негизини ташкил қиладди.

УАВлари ГКга чалинган беморларга касаллик хавф омиллари, ўткир ва сурункали асоратларнинг ривожланиш хавфи ҳақида маълумот беришлари, уларни қатор амалий кўникмаларга ўргатишлари, дориларсиз ҳамда самараси исботланган дорилар билан доимий даволанишнинг фойдаси ҳақида тушунтиришлари керак.

Беморлар ГКнинг профилактикаси ва асоратларини олдини олиш қоидалари ҳақида маълумотга эга бўлсаларгина ўз соғлиқларига маъсулиятни ҳис этадилар ва бу тўғри даволанишга риоя қилишларига олиб келади. Тиббиётни бирламчи тизимида ГКга чалинган беморлар учун «Тизимли ўқитиш дастури»ни жорий этилиши уларнинг билим савияларини ошириш, амалий кўникмаларни ўрганиш, ўз соғлигини назорат қилишларида муҳим ва зарур усул ҳисобланади.

ГКга чалинган беморларни даволашда касаллик клиник кечиши хусусиятлари, дорилар қабул қилиш режаси, гуруҳи ва миқдорини танлашдан ташқари беморларни даволанишга риоя қилиши яъни УАВ томонидан буюрилган тавсияларни тўлиқ ва тўғри бажариши муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги босқичда гипертониклар мактабида тахсил олган асосий (ўқишдан олдин ва ундан 2 йил кейин) ва таққослаш гуруҳидаги беморларда қатор бошқариладиган хавф омилларини ўзгариш динамикасини таҳлил қилдик ва улар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тиббиётнинг бирламчи бўғинига мослаштирилган «Тизимли ўқитиш дастури» асосида ўқитилган беморлардаги бошқариладиган хавф омилларини ўзгариш динамикаси

Юрак-қон томир касалликларини хавф омиллари	Дастлабки маълумотлар ўқитилгунча (n=122)		Ўқитишдан 2 йилдан сўнг (n=122)		ρ	χ ²
	абс	%	абс	%		
<i>Ош тузини 5-6 г ортиқ истеъмол қилиши</i>	10	8,1	3	2,4	p<0,001	8,34
<i>Чекиш</i>	13	10,6	5	4,0	p<0,001	7,95
<i>Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиши</i>	11	9,0	-	-		
<i>Умумий холестерин >5,2 ммоль/л</i>	26	21,3	13	10,6	p<0,001	11,24
<i>Триглицеридлар >2,0 ммоль/л</i>	24	19,6	14	11,4	p<0,001	8,34
<i>Паст зичликдаги липопротеидлар >3,0 ммоль/л</i>	69	56,5	33	27,0	p<0,001	14,3
<i>Юқори зичликдаги липопротеидлар <1,0 ммоль/л</i>	42	34,4	24	19,6	p<0,001	10,32
<i>Глюкозага толерантликни бузилиши</i>	12	9,8	2	1,6	p<0,001	6,92
<i>Чап қоринча гипертрофияси</i>	83	68,0	83	68,0	p>0,05	15,52
<i>Тана вазни индекси 25 кг м²дан ортиқ</i>	59	48,3	41	33,6	p<0,001	11,63
<i>Камҳаракатлилик</i>	85	69,6	37	30,3	p<0,001	15,30

Маълумки, ош тузини суистеъмол қилиш ва тамаки чекиш АҚБ ошишига олиб келувчи омиллар ҳисобланади. 2-жадвалда келтирилганидек асосий гуруҳда ўқишдан олдин ва кейин ош тузи истеъмоли ва чекишни камайтирган беморлар сони мос равишда 8,1%дан 2,4% гача, 10,6% дан 4% гача ишончли камайтиди (p<0,05). Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 7% дан 7,1% ва 9,6% дан 9,8% га кўпайган. Шунингдек, қатор бошқа хавф омиллари кўрсаткичлари ҳам (спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш 9%дан 0%га, умумий холестерин 21,3%дан 10,6%га, триглицеридлар 19,6%дан 11,4%га, паст зичликдаги липопротеидлар 56,5%дан 27%га, юқори зичликдаги липопротеидлар 34,4%дан 19%га, тана вазни индекси 48,3%дан 33,6%га, глюкозага толерантлик бузилиши 9,8%дан 1,6%га, камҳаракатлилик 69,6%дан 30,3%га) ўқитиш дастурига қатнашган беморлар сони ишончли (p<0,001) ижобий томонга ўзгарди. 2-жадвалда келтирилганидек хавф омиллари орасида ўқишга қатнашган беморлар сони чап қоринча гипертрофияси кузатилганларда ўзгаришсиз қолди. Назорат гуруҳида эса бошқариладиган хавф омиллари динамикасида ишончли ўзгаришлар аниқланмади. Юқоридагилар билан бир қаторда 3-жадвалда келтирилганидек гипертониклар мактабида ўқитилган беморларда касалликнинг клиник кўринишида ҳам ишончли ўзгаришлар қайд

қилинди. Бош айланиши ва бош оғриғига шикоят қилган беморлар сони мос равишда 34,4% ва 74,5%дан ҳар иккала ҳолатда 4%, жисмоний ҳаракатда ҳансираш 13,1%дан 4,9%га камайди ($p<0,001$). ЮИК (I ФС, II ФС) 51 (41,8%), ҳамда ритм бузилиши кузатилган беморлар сони 14 (11,4%) ўзгаришсиз қолди.

3-жадвал

«Гипертониклар мактаби»да ўқитилган ва ўқитилмаган беморларнинг 2 йил мобайнида субъектив ва объектив кўрсаткичларининг ўзгариши

Клиник симптомлар	Асосий гуруҳ ўқитилгунча (n=122)		Асосий гуруҳ ўқитилгандан кейин (n=122)		p	Таққослаш гуруҳи дастлабки кўрсаткичлар (n=114)		2 йилдан сўнг (n=112)		p
	абс.	%	абс.	%		абс.	%	абс.	%	
<i>Бош айланиши</i>	42	34,4	5	4,0	$p<0,001$	41	35,9	39	34,8	$p>0,05$
<i>Бош оғриши</i>	91	74,5	5	4,0	$p<0,001$	86	75,4	81	72,3	$p>0,05$
<i>Жисмоний ҳаракатдаги ҳансираш</i>	16	13,1	6	4,9	$p<0,001$	9	7,8	9	8,0	$p>0,05$
<i>Зўриққиш стенокардияси кузатилмаган</i>	71	58,1	71	58,1	$p>0,05$	70	61,4	62	55,3	$p>0,05$
<i>I ФС</i>	30	24,5	33	27,0	$p>0,05$	25	21,9	22	19,6	$p>0,05$
<i>II ФС</i>	21	17,3	18	14,7	$p<0,05$	19	16,6	28	25,0	$p<0,001$
<i>Юрак ритми бузилиши</i>	14	11,4	14	11,4	$p>0,05$	15	13,1	21	18,7	$p<0,001$

Икки йил давомида кузатувда бўлган таққослаш гуруҳидаги беморларда бош айланиши 35,9%дан 34,8%га, бош оғриш ҳолатлари 75,4%дан 72,3%га ишончсиз камайди ($p>0,05$). Шу билан бир вақтда II ФС стенокардия билан касалланганлар сони 16,6%дан 25,0%га кўпайди ($p<0,001$), ритм бузилиш ҳолатлари 13,1%дан 18,7%га ($p<0,001$) ошди, шундан, хилпилловчи аритмия 3,5%га, суправентрикуляр аритмия 4,4%га ва қоринчалар экстрасистолияси 6,2%га кўпайганлиги қайд этилди.

Гипертониклар мактабида ўқитилган беморлар узоқ таъсир қилувчи дорилар қабул қилишни ишончли ($p<0,001$) кўпайтиришди. ААФ ингибиторларини ўқишгача 19,6%, 2 йилдан кейин 91,8% беморлар қабул қила бошладилар. БАБларни қабул қиладиганлар сони 29,5%дан 39,3%га, КА 6,5%дан 59,0%га, диуретиклар 13,1%дан 66,3%га мос равишда ишончли кўпайди, АРА гуруҳидаги дориларни қабул қилиш ўқишгача 5,7% ташкил қилган бўлса 2 йилдан кейин 13,1% га ошди ($p<0,001$).

Маълумки, ГКни муолажалари мунтазам ва аксарият ҳолларда умрбод олиб борилади. Чунки уларни қабул қилишни тўхтатиш АҚБни кескин ошишига олиб келади. АҚБ бир йил давомида турғун меъёрлашган ва ҳаёт тарзини ўзгартириш тамойилларига амал қилган, паст ва ўрта хавфга эга

беморларда гипотензив дорилар сони ва/ёки миқдорини камайтириш мумкин. Бундай ҳолатларда АҚБни қайта ошганлигига ишонч ҳосил қилиш учун уни амбулатор мустақил мониторингини ўтказиш талаб қилинади.

Биз 118 (96,7%) кузатувимиздаги беморларни АҚБни мустақил назорат қилиш ва назорат кундалиги юритиш ҳамда биринчи қатор гипотензив дориларни мунтазам қабул қилишга риоя этилишларига эришдик. Қайд этилганлар билан бир қаторда шифокор ва беморлар ўртасидаги ўзаро мулоқат ижобий томонга ўзгарди. Улардан 51 бемор кунига 8 мартагача (41,8); 35 бемор (28,6%) кунига 6 мартагача; 22 бемор (18,0%) кунига 4 мартагача, 10 бемор 2 мартадан (8,1%) монанд даво танланганга қадар 3 кун давомида АҚБни ўлчаб туришди. Бундай ёндошиш ҳар бир бемор учун алоҳида дорилар билан даволаш тавсияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Икки йил давомидаги кузатувда АҚБ кўрсаткичини мақсадли тушишига эришилиши беморларни соғлиқни сақлашни бирламчи тизимига мослаштирилган дастур асосида ўқитилиши билан узвий боғлиқ. Чунки таққослаш гуруҳида деярли барча ҳолларда систолик ва диастолик АҚБнинг 2 йил мобайнида тушиш даражаси 5%дан ошмади ва ўзгариш ишончсизлигича ($p > 0,05$) қолди.

ЭКГ таҳлилида асосий гуруҳда айрим гипотензив дориларнинг ноўя таъсирини белгиловчи PQ, QRS, QT интерваллари кўрсаткичларида салбий ўзгаришлар аниқланмади. Икки йилдан сўнг асосий гуруҳда ST сегментининг депрессияси камайганлиги (ўқитишдан олдин 12 беморда 9,8%, ўқитилгандан сўнг 2 беморда 1,6%) кузатилди.

Таққослаш гуруҳида икки йилдан кейин ЭКГнинг динамик кўрсаткичлари ишончли ($p < 0,001$) ўзгарганлиги қайд этилди. Ҳилпилловчи аритмия (4 беморда, 3,5%), ST сегменти депрессияси (16 беморда, 14,2%), суправентрикуляр (5 бемор, 4,4%) ва қоринчалар экстрасистолияси (7 беморда, 6,2%) каби ўзгаришлар аниқланди. АҚБ негизида пайдо бўлган ST сегменти депрессияси эса миокард ишемияси юзага келганлигини кўрсатди.

Шунингдек, биз «Гипертониклар мактабида» ўқитилган беморларнинг асосий кўрсаткичларини ўқишгача ва икки йилдан кейинги кўрсаткичларини солиштирма таҳлилинини ўтказдик.

Асосий гуруҳдаги беморларда ГК хавф омилларини билиш даражаси ошганлиги (45,9% дан 99,1%га), улар ўзларида АГ борлигини билиши (54,0% дан 99,1%га), даволанишга риоя қилишларининг яхшиланиши (71,3%дан 98,3%га), дорилар ёрдамида АҚБ мақсадли кўрсаткичига эришишлари (11,4дан 82,7%га) ишончли даражада яхшиланганлиги кузатилди ($p < 0,001$). Касаллик кечишида гипертоник кризлар ва беморларни шифохонага ётқизилиши (32,7%дан 3,2%га, $p < 0,001$) ҳамда гипотензив дори воситаларни ноўя таъсирлари ишончли равишда камайиши (31,1%дан 4,0%га, $p < 0,001$) қайд этилди.

Таққослаш гуруҳи билан солиштирганда икки йилдан сўнг уларда ҳам айрим ижобий ўзгаришлар кузатилди. Беморлар АҚБни кўпроқ назорат қила бошладилар (21,9%дан 28,5%га), монанд дорилар танлаш яхшиланди (10,5%дан 25,8%га), лекин асосий хавф омиллари ҳақидаги билимлари ва даволашга риоя

қилишлари пастлигича қолди (33,9%; 22,3% мос равишда), гипертоник кризлар сонини камайиши ишонарсиз бўлди (33,0%; 36,8% мос равишда, $p>0,05$).

Юқорида келтирилган барча маълумотлар ишонарли равишда гипертониклар мактабида ўқиган ва ўқимаган беморларнинг клиник ҳолатига таъсир қилганлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда 96,7% (118) беморлар умумий аҳволининг турғунлашуви (хуружнинг йўқлиги) ва АҚБ 82,7% (101) беморларда мақсадли даражага эришилиши кузатилди. ГКнинг III босқичидаги беморларнинг 3,2% (4) гипертоник кризлар такрорланди.

Шундай қилиб, беморларни ўқитиш дастурларига қатнаши уларнинг руҳий ҳолатларига ижобий таъсир қилади. Уй шароитида АҚБни мустақил мониторинги гипотензив дориларни монанд танлашга ва уларнинг самарадорлигини кузатишга ёрдам беради ҳамда даволанишга риоя қилишлари яхшиланади. Бу эса ГКга чалинган беморларни аҳволини яхшиланишига олиб келади. Таққослаш гуруҳида, узоқ давом этувчи АГ ва антигипертензив дориларни тартибсиз қабул қилиниши, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган хавф омилларининг борлиги касаллик ривожланишида салбий таъсир кўрсатади.

Гипертониклар мактабига қатнамаган таққослаш гуруҳидаги беморларда юқори АҚБнинг узоқ муддат кузатилиши (ўртача $8,9\pm 0,48$ йил), гипотензив дориларни мунтазам қабул қилмаслик, бошқариладиган ва бошқариб бўлмайдиган хавф омилларининг бўлиши касаллик кечишига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Ушбу гуруҳдаги ГКнинг II ва III босқичи мавжуд бўлган беморларда ишонарли бўлмаса ҳам аҳволларининг ёмон томонга ўзгариши қайд этилди. Бу ўзгаришлар гипертоник кризлар (37 бемор 33,0%), миокард инфарктининг ривожланиши (5 бемор 4,4%), бош мия инсультлари (4 бемор 3,5%) кўринишида намоён бўлди. Улардан иккитаси оламдан ўтди.

Диссертациянинг «**Соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида гипертония касаллигига чалинган беморларни персонал динамик кузатиш алгоритмини электрон дастури яратиш**» деб номланган тўртинчи бобда унинг яратилиш сабаблари, илғор технологияларни қўллашнинг ижобий томонлари ҳамда имкониятлари батафсил ёритилган. Унинг яратилишига сабаб тадқиқотимиздаги олинган маълумотларга кўра (диспансер кузатувидаги ГКга чалинган беморлар амбулатор карталарининг ретроспектив таҳлили, УАВ орасида ушбу гуруҳ беморларини олиб бориш ва даволаш тўғрисида ўтказилган сўровнома ва беморларда ўтказилган анкеталарга жавоб ҳамда уларни ўқитиш натижалари) бирламчи тизим шифокорлари ГКга чалинган беморларни мунтазам кузатиш ва соғломлаштириш тамойилларига етарлича амал қилмайдилар. Бинобарин, юрак қон-томир касалликларига олиб келувчи бошқариб бўладиган хавф омилларини доимий кузатиш ва бартараф этиш юзаки. Нишон аъзоларини зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида беморларда динамик ўтказиладиган зарур лаборатор-асбобий текширишлар, уларни даволаш ва реабилитацияси доимий эмас, балки вақти-вақти билан амалга оширилади. Шунингдек, ассоциацияланган клиник ҳолатлар ҳам ўз вақтида аниқланмайди ва уларга қарши соғломлаштириш тадбирлари олиб борилмайди. Демак, ОП/ҚВПлардаги ҳозирги мавжуд ҳолат ҳар бир беморни шахсий хусусиятлари, мавжуд хавф омиллар, нишон аъзоларни зарарланиш

даражаси ва ассоциацияланган клиник ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини диспансер кузатувини олиб бориш имкониятини бермайди.

